O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

«... азалий урф-одат ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек сақлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича, айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятини ҳайратда қолдирадиган ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқдамиз».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 16-avgust • Payhanba • 97 (27.742) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

ШҲТнинг бу галги учрашувида ташкилотга аъзо Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон, Афғонистон, Туркманистон вакиллари ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Саммитда иқтисодий ҳамкорлик масалалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, нефтъ-газ саноати, айниқса, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, шунингдек, хавфсизликни мустаҳкамлаш имкониятларига доир масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

БИШКЕК. 15 август. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бишкекка етиб келди.

Мамлакатимиз раҳбари «Ала Арча» қароргоҳига жойлашди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётганини, бу ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарини Хитойнинг яқин дўсти деб билишини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ислом Каримовнинг ҳиссаси улкан эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик ва шериклик тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланаётганини таъкидладилар.

(ЎзА)



САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ 15 АВГУСТ КУНИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ДАВОМ ЭТТИРДИ

Самарқанд шаҳри мустақиллик йилларида жуда кўп қутлуғ шодиёналар, тўю тантаналарнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бу ерда кўплаб буюк аждодларимизнинг тавалуд айёмлари кенг нишонланди. Мазкур юбилейлар муносабати билан шаҳарда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар бугун ҳам улкан байрамлар шукуҳи билан яшамоқда. Бу ерда истиқлолимизнинг 16 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини кўтаринки руҳда ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табригида Мовароуннаҳр заминида камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан бутун дунёда шуҳрат қозонган зотлар қаторида Мирзо Улуғбек номини ҳам чуқур эҳтиром билан қайд этгани бежиз эмас.

Мирзо Улуғбек мамлакатга раҳбарлик қилган даврда Самарқанд Ўрта аср илм-фанининг жаҳоншумул марказларидан бирига айланди. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан — Улуғбек академияси таркиб топди. Ушбу академияда Гиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби машҳур олимлар етишиб чиқди. Улуғбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тан олинди.

Конференциянинг Самарқанддаги ялпи йиғилиши айнан бобокалонимиз номи билан боғлиқ табаррук даргоҳ — Улуғбек мадрасасида бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий М.Жуманов, Украина мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Тамим, Россия мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари, Россия муфтийлар кенгаши девони раҳбари Харис Саубиянов, Халқаро ислом университети қошидаги Даъват академияси ректори Абдулжаббар Шокир, Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Дербесали, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов ва бошқалар ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини таъминлаш, қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳиллиқда яшаётган Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган мамлакатдир. Бунда қадимий Самарқанд шаҳрининг ҳам муносиб ўрни бор. Ушбу шаҳарда яшаб ўтган кўплаб мутафаккирлар қолдирган буюк маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотаётир.

2-бет

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин ЭҲСОН ўғли:

— Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш ҳамда маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни юксак қадрлайди. Ўзбекистонда аждодлардан қолган маданий ва маънавий меросни чуқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан қадрланиши юксак эътирофга лойиқ.

Халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуманга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият жадал ривожланаётганининг, юртингизда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдилар.

Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр МУСО:

— Халқаро конференция халқаро ва маданий ҳаётдаги улкан воқеа бўлганлигини қайд этмоқчиман. Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бежиз эмас. Зеро, ушбу гўзал ўлкада етишиб чиққан алломаларнинг ижоди ва фаолияти, улар қолдирган бой маънавий, маърифий ва маданий меросининг бебаҳолигини дунё аҳли тан олган.

Мамлакатингиз миллий қадриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш, урф-одатларни ва анъаналарни изчил давом эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар орқали дунёнинг энг мутараққий давлатлари сафидан мустаҳкам жой олаётганини намоён этмоқда.

Кавказ мусулмонлари диний идораси раиси, Озарбойжон муфтийси Оллоҳшукур ПОШШАЗОДА :

— Мамлакатингизга сўнгги бор бундан ўн йил аввал келган эдим. Мазкур ташрифим асосида Тошкентни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзгача чирой очиб кетганини кўриб, лол қолдим.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида нафақат иқтисодий-маданий, сиёсий, иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига, балки мамлакатингизда эътиқод эркинлигини ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистон — Оллоҳ назари тушган юрт. Бундай юртнинг ҳаёт тарзи тинч, осойишта, хонадонлари файзли, дастурхони тўкин, инсонлари бағрикенг бўлади. Халқингиз мустақилликка эришгач, мамлакатингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яратгандан юртингизнинг келгусида янада тараққий этиши ва гуллаб-яшнашини сўрайман!

Украина мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Тамим Аҳмад Муҳаммад МУТИХ:

— Биз Ўзбекистонни жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган юрт сифатида биламиз. Мамлакатингизда барча соҳалар сингари таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий жабҳалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойлар, айниқса, тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар мени жуда ҳайратга солди. Бундай гўзал ва бетакрор иншоотлар, мақбара ва масжидлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мамлакатингизда яшаб, ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломалар дунё илм-фанининг ҳамда ислом маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Тошкент жаҳоннинг маданияти ҳар томонлама ривож топган гўзал шаҳарларидан бири бўлиб қолишига қатъий ишонаман.

ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

Эртага Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қанотининг республика конференцияси бўлиб ўтади.

Унда мамлакатимизнинг турли минтақаларидан сайланган делегатлар ва меҳмонлар иштирок этади. Қуйида уларнинг айримлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШТИРИЛИБ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНАДИ

Гулистон шаҳридаги «Мукумий» номли маҳаллада Жуманисо Қурбонова исм-шарифли аёл яшайди. Маҳаллада ўтказиладиган тўй, маъракa, байрам, учрашув, давра суҳбати, қўйингки, ҳар қандай маросимда у бош-қош. Маҳалланинг кексаларини йўқлаб, ҳолидан хабар олишга ҳам, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзишга, моддий қўллаб-қувватлашга, ногиронларнинг кўнглини олиб, совға-саломлар улашиш, гурунг қилишга ҳам вақт топади. Одамлар орасида юриб суҳбатлар жараёнида «бу хайрли ишлар ҳаммаси Ўзбекистон ХДП Дастурида ёзиб қўйилган» деб изоҳ беради. Хуллас, ана шу ишлари билан ХДПнинг ғояларини тарғибот-ташвиқот қилишдан эринмайди. Яқинда ёзги таътилда лагерда дам олаётган 30 ўқувчига спорт кийимлари ва турли жиҳозлар олиб бериб, болаларни хурсанд қилиб келди.

Бу «Мукумий» маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, ХДП Гулистон шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Жуманисо Қурбонова фаолиятидан бир шингил холос.

Гулистон тумани марказидаги «Деҳқонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати, ХДП туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилбар Ҳаитова ҳам ўз атрофига тарғиботчи-ташвиқотчи аёлларни жипслаштирган. Улар иштирок этган ҳар қандай тадбирда ХДПнинг дастурий ғоялари, туман кенгашининг амалий ишлари бир-бир тилга олинади.

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши шаҳар, туманларда «Фаол аёллар» қаноти раисларини танлашда ана шундай фаол аёлларга суянди. Вилоятда 350 дан зиёд маҳалла бор. Табиийки, ҳар бир маҳаллада юқоридаги каби маърифатли, зукко, ташкилотчи, дунёқарашининг кенглиги, ҳушёрлиги билан аёлларни эргаштира оладиган хотин-қизлар кўп. Уларнинг кўмагида хотин-қизларнинг барча қатламлари орасида ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Ана шу тажрибалардан келиб чиқиб мен эртанги конференцияда «Фаол аёллар» қанотининг уюштирувчилик, йўналтирувчилик ролини кучайтириш механизмларини такомиллаштириш таклифини ўртага ташламоқчиман. Ҳамма фикрлар, ғоялар, ташаббуслар шу ерда «етилиб», кейин изчил равишда атрофга тарқалса, кўпроқ самара беради, деб ўйлайман.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

✧✧✧

Давр ўзгаради, одамлар ўзгаради, лекин бир масала ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам эътиборни тортаверади. Бу — аёл, оила, жамият масаласи. Халқ демократик партияси аёлларга муносабатини ўз Дастурида баён этган. Хотин-қизларнинг иш билан бандлиги, касбий тайёргарлиги, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, энг муҳими она, уй бекаси ҳисобланган аёлнинг сиёсий фаоллигини ошириш партиямизнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Хўш, бу вазифани партиямиз қандай бажармоқда?

Партия кенгашлари ҳузурида «Фаол аёллар» қанотининг ташкил этилгани хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш йўлидаги амалий қадам бўлди. Қанот партиямизнинг хотин-қизларга оид сиёсатини амалга оширмоқда. Кўпчилик «Фаол аёллар» қанотига ишониб, уни излаб, сўраб келаяпти. Энди гап ана шу ишончни оқлашда.

Шу боис ҳам белгиланган вазифаларимизни тўлиқ адо этиш учун бу масалаларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Эртага бўладиган конференциямизда эса яна янги йўналишларимиз, позициямизни белгилаб оламиз.

Комила КАРОМОВА,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ректори Т.Ширинов-нинг «Самарқанднинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзуидаги маърузаси тингланди.

2750 йиллигини нишонлаш арафасида турган Самарқанд неча-неча юз йилликлар давомида Марказий Осиё минтақасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келган. Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги унинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилган. Самарқанд шаънига азалдан «Ер юзининг сайқали», «Қадимги Шарқ гавҳари» каби латиф иборалар беҳуда айтилмаган. Айниқса, буюк бобокалонимиз Амир Темур Самарқандни ўзгача меҳр билан қадрлади, обод қилди, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди.

Самарқанд ўзининг тарихий, ноёб архитектура ёдгорликлари туфайли бутун оламга машҳур музей-шаҳардир. Бу ерда уч юзга яқин меъморий ва икки мингдан ортиқ археологик ёдгорликлар мавжуд. Мустақиллик йилларида Самарқанднинг тарихий шуҳратини тиклаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда UNESCO Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Регистон ансамбли, Улуғбек расадхонаси, Руҳобод мақбараси, Хожа Аҳрор ва Ҳазрати Хизр масжидлари каби ҳозиргача сақланиб қолган юзлаб йирик тарихий меъморий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Самарқандда Имом Мотуридий дафн этилган Чокардиза қабристони ҳудудидаги алломанинг мозорига мақбара қурилди, қабристон обод этилди. Ўтган йиллар давомида Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий сингари буюк аждодларимизнинг тавалуд айёмлари муносабати билан уларнинг муқаддас қадамжолари обод, гўзал ва бетакрор масканларга айлантирилди.

Айниқса, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари муносабати билан Самарқанд янада кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда улуғ бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Президентимизнинг фармонига биноан ўша йилнинг 18 октябрь куни Самарқанд шаҳрига Амир Темур ордени топширилди. Бу — Самарқанднинг Ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг муносиб эътирофидир. Юртбошимизнинг таклифига биноан бу кун юртимизда Самарқанд куни сифатида нишонлаб келинмоқда.

Самарқандда халқаро анжуманлар ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, шунингдек, ушбу нуфузли халқаро илмий-амалий конференциянинг давоми Самарқанд шаҳрида ўтказилишида катта маъно бор.

Конференция якунлари бўйича матбуот анжумани ташкил этилди. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу халқаро анжуманни ёритиш учун мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларидан юздан ортиқ вакил қатнашди. Журналистларга халқаро конференциянинг Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган йиғилишлари давомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бежиз эмас. Тошкент номзодини танлашда ISESCO аввало Ўзбекистон раҳбарининг ўзбек халқининг маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш, ислом маданиятини янада бойитиш, ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини алоҳида эътиборга олган.

Анжуман иштирокчилари Самарқанддаги қадимий обидалар ва табаррук қадамжоларни зиёрат қилдилар. Жумладан, Имом Бухорий, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор Валий мажмуалари, Амир Темур мақбараси ва Улуғбек расадхонаси уларда катта таассурот қолдирди.

— 2007 йилда Тошкентнинг ISESCO томонидан ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши тасодифий воқеа эмас, аксинча, у муҳим қонуний ва тарихий воқеликдир, — дейди ISESCOнинг Маданият ва алоқа бошқармаси бошлиғи Мустафо Аҳмад Али (Марокаш). — Бу Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақиллик йилларида барча соҳаларни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган улкан самараларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Бугун Самарқандда туриб шуни таъкидлашни истардимки, Имом Бухорий ҳазратлари мажмуасининг ўзи ҳам ушбу заминни том маънодаги табаррук масканлар қаторига қўяди.

Ўзбекистонда бугунги кунда тарихни эъзозлаш, халқ фаровонлигини янада ошириш ва мамлакатнинг буюк истиқболини барпо этиш йўлида залворли қадамлар қўйилаётгани таҳсинга сазовордир.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Гулом МИРЗО,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари
Тоҳир НОРҚУЛОВ
олган суратлар.

☑ ЎзХДП — Хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС, ТАШКИЛОТЧИЛИК

«ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ

Мамлакат тараққиёти, ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизлар етакчи куч ҳисобланади. Республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юртимиз хотин-қизларининг фаоллигини ошириш, жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, уларнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти қурилишида фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида барча даражадаги партия кенгашлари қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилди. Бугун қанот 118 минг нафардан ортиқ хотин-қизни ўз атрофида бирлаштирган.

Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида «Фаол аёллар» қаноти конференциялари бўлиб ўтди. Уларда қанотнинг ўтган даврдаги фаолияти, эришилган ютуқлар ва камчиликлар кенг муҳокама этилди. Очиқ айтиш керакки, партиядош хотин-қизларимиз — фаол аёллар жамоаси бўлиб шаклланиш жараёнида маълум босқични босиб ўтиб, тажриба тўпладилар. Янги ташаббус, ғоялар билан чиқдилар.

Бўлиб ўтган конференцияларда давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар, қабул қилинган қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, аёлларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, ҳуқуқий, тиббий билимларини оширишда «Фаол аёллар» қанотининг вазифалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида хотин-қизлар, оналик ва болалик, кексалар, ногиронлар, аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. «Фаол аёллар» қаноти фаолияти ҳам ана шу олижаноб мақсадлар, партиямизнинг хотин-қизлар масалаларидаги ғояларига асосланади. Конференцияларда бу борадаги амалий ишларни кўпайтириш, ташаббуслар билан чиқиш, жамият ҳаётида долзарб бўлиб турган масалаларни дадил кўтариб чиқиш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди, баҳс-мунозаралар бўлди.

Масалан, Сурхондарёда бўлиб ўтган анжуманда вилоятда психологик ёрдам кўрсатувчи марказларни ташкил этиш таклифи ўртага ташланди. Жиззах вилоятида «Жизташкилотчилик ролини кучайтириш фикрини илгари сурди.

Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида Тошкент туманидан партиямиз фаолларидан бўлган бир тадбиркор аёл ҳудудда яшовчи кам таъминланган ўн оилага моддий ёрдам кўрсатаётгани ва бундай хайрли ишларни жойларда янада кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Наманган вилоятидаги Чортоқ тиббиёт коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Марҳабатхон Болтабоева республикамизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш йўлида яратилаётган имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиш йўллари хусусида фикр юритди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — партия электорати, айниқса, хотин-қизлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон ХДП партия кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш масалалари айниқса муҳимдир. Чунки, ўтган вақт мобайнида тушган мурожаатлар, қабулга келувчилар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Эътироф этиш ўринлики, ташкил этилганидан буён бизнинг тузилмамиз ўз фаолиятида қатор ибратли ишларни амалга оширди. Аммо, бугунги давр олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз умумий аҳолисининг 51,2 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Мамлакатимизда бевосита хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 22 та қонун, Президентимизнинг 11 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 22 та қарори мавжуд. Демакки, юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари мавжуд. Бу имкониятлардан фойдаланиб, ишларимизни самарали ташкил этиш фақат ўзимизга боғлиқ. Шу жараёнда эса «Фаол аёллар» қаноти ўз олдига қўйган вазифаларни, партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилаверади.

Гулруҳ АЪЗАМОВА,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари.

☑ Истиқлол имкониятлари

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ АРМОНЛАРИМИЗ УШАЛДИ,

— ДЕЙИШМОҚДА ДЎСТЛИК ТУМАНИНИНГ «ОЙБЕК» ҚИШЛОҒИДА ЯШОВЧИ ОТА-ОНАЛАР

Олис чўл бағридаги бу қишлоқнинг болалари шу пайтгача мослаштирилган бинода фаолият кўрсатган 15-умумтаълим мактабининг эски биносида амал-тақал қилиб ўқиб келишди. Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан бу йил мактаб биноси капитал реконструкция қилиниб, таниб бўлмас қиёфа, гўзал ва шинам кўриниш касб этди. 240 ўқувчига мўлжалланган мазкур таълим даргоҳида айни пайтда жиҳозлаш ишлари кетаяпти. Таъбир жоиз бўлса, қўлигул қурувчилар томонидан юксак дид ва маҳорат билан халқаро андозалар бўйича қайта қурилган мактаб ўзига ярашиқли замонавий жиҳозлар билан тўлдирилаяпти. Токи, ҳатто хориждаги мактабларни кўрган киши уларни ушбу мактаб билан таққослаганда камчилик тополмасин, фарзандларимиз учун яратиб берилган бутунлай янгича шарт-шароитлардан ғурурлансин, фахрлансин.

— Мактаб шундоққина кўз ўнгимизда қайта қурилди, — дейди «Мевазор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Сафаров. — Яна саноқли кунлардан сўнг унинг кенг, ёруғ, озода ва шинам ҳоналари қишлоғимиз болаларининг шоду хуррам овозларига тўлади. Айни пайтда кўрсангиз, кўз узолмайсиз. Беихтиёр бир зумга болаликка қайтгингиз, бола бўлиб қолгингиз, ҳозирги болалар билан биргабирга мактабга боргингиз келади. Очиғи, бундай мактабда ўқиш болажонларимиз учун чинакам мўъжиза, ҳақиқий байрамга айланади, десам ишонаверинг.

— Биз ҳам бола бўлганмиз, мактабга борганмиз, — дейди ота-оналарнинг ўй-фикрини ифодалаб қишлоқ шифокори Мамарасул Шербоев. — У пайтларда қишлоғимизда гуваладан қурилган, лойсувоқ томли, пастқам, кўримсизгина мактаб бўларди. Полсиз, тор ва бунинг устига зах, нимқоронғи синфларда ўқиганимиз кечагидай эсимда. Уларда рангирўйи кўмирдай қорайиб кетган анчайин дағал, ноўнғай парталару доскалардан бошқа ҳеч ваҳо йўқ эди. Янги, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, спорт анжомлари, мебеллар ҳақидаку, гапирмасаям бўларди. Беш-ўнта ўқувчига битта китоб, унинг ҳам ярми яроқсиз. Тўғриси, бугунгидай замонамизга мос таълим даргоҳларини кўриб, ҳозирги болаларга, фарзандларимизга ҳавасим келади. Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз, Мустақиллик шарофати, Истиқлол берган имкониятлар меваси.

Бугун шуни эътироф этишни истардикки, Мустақиллик йилларида бутун мамлакатда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам таълим тизимига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Аввало, мавжуд мактабларнинг биноларини янгилаш ва реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагог-кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатларини рағбатлантиришни кучайтириш ва ниҳоят, мактабларнинг спорт базаларини мустаҳкамлаш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят бўйича 5 та янги мактаб қурилди, 38 таси капитал реконструкция қилиниб, 39 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Бундай бунёдкорлик ишлари учун жами 15 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу йил эса ушбу кўрсаткич 19 миллиард 800 миллион сўмга етди. Жорий йилнинг сентябрида вилоятнинг шаҳарлари, туманлари, қишлоқларида янгидан қурилган 4 та, капитал реконструкциядан чиқарилган 47 та, капитал таъмирланган 54 та умумтаълим мактаблари ўқувчиларга ўз эшикларини очади. Шу кунларда уларда охирги жиҳозлаш ва янги ўқув йилига сўнгги тайёргарлик ишлари бажарилмоқда.

— Иккинчи сентябрь куни янги мактабга ўқишга бораман, — дейди Бахмал туманининг тоғли Новқа қишлоғидаги 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шерзод Мустафоев. — Мактабимизнинг биноси эски эди. Қурувчи амакиларимиз уни бузиб ташлаб, ўрнига икки қаватли янги мактаб қуриб беришди. Кўрсангиз, шаҳарлардаги мактабларнинг худди ўзи дейсиз. Ҳаммаси янги, чиройли, зўр.

Айни чоғда янгидан қурилган, реконструкция қилинган ёки капитал таъмирдан чиқарилган мактаблар деганимизда биз нафақат шу мактабларнинг кўркам қиёфа касб этган биноларини, балки уларнинг мактабларда таҳсил оладиган фарзандларимизнинг бўй-бастига мос, соғлом униб-улғайишлари билан боғлиқ муҳим омиллардан тортиб, ички дунёси, орзу-ҳаваслари, интилишлари ҳам инобатга олинган ҳолда тайёрланган янги, қулай мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланганлигини ҳам назарда тутамиз. Бу энди мамлакатимизда таълим жараёнларини ислоҳ қилиш масаласида ўзига хос, ўзига мос йўл танланганлигини кўрсатадики, бу борада Ўзбекистон тажрибаси ҳали кўплар учун намуна бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

— Аслида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини қабул қилишдан мақсад — мактабларимизнинг заиф моддий базаси, уларнинг мослаштирилган, ҳатто авария ҳолатидаги эски биноларда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муаммоларга чек қўйишдангина иборат эмас, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ислом Анорбоев. — Дастурдан кўзда тутилган асосий ниятни, истакни кенгроқ, теранроқ тарзда англасак, назаримда, тўғрироқ бўлади. Чунки бу дастур мактабларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, услубий қўлланмалар билан таъминлашни тубдан яхшилаш, таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш сингари масалаларни ҳам ўз ичига оладики, бу ишларни босқичма-босқич амалга оширишнинг ўқув жараёнлари сифати ва самарадорлигига кўрсатаётган ижобий таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ сезилмоқда. Фақатгина шаҳарлардаги эмас, балки қишлоқларимиздаги мактабларда таълим олаётган иқтидорли ўқувчиларнинг бугун мамлакат миқёсидаги ва ҳатто халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этаётганликлари ҳамда совринли ўринларни эгаллаётганликлари, қолаверса, уларнинг орасида нуфузли хориж ўқув юртларида таҳсил олаётганлари сонининг ортиб бораётганлиги ҳам бунинг исботи эмасми? Фикримни мисол билан тўлдирмоқчиман. Яқинда Жиззах шаҳридаги «Сайилжойи» академик лицейи битирувчиси Азиз Рустамов интернет орқали имтиҳон топшириб, шу ернинг ўзида Чехиядаги Багимия университети талабаси бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкинки, бу ҳам аслида Юртбошимиз томонидан айтилган **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз»** деган шиорнинг амалдаги тасдиғи, ҳаётдаги исботи.

Халқимизда шундай мақол бор: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ». Ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда хорижликлар эришган ютуқлардан лол қоламизу, ўз юртимизда, жонажон шаҳримизда, қадрдон қишлоғимизда, шундоққина ёнгинамизда бўлаётган янгиланишлар, бунёдкорликларга нисбатан гоҳо бефарқ муносабатда бўламиз. Амалда эса ҳар қайсимиз, қайсидир маънода, миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришларнинг нафақат жонли гувоҳи, балки бевосита иштирокчисига айланаяпмизки, бунинг самаралари яқин йиллар ичида шубҳасиз, тўлатўкис намоён бўлади.

Зеро, халқимиз азал-азалдан умрининг мазмунини, ҳаётининг маъносини фарзандлари келажагида, уларнинг камолида, бахту саодатида кўриб келган. Яхши умидлар билан ўғил-қиз ўстирган, уларнинг орзу-ҳавасини кўрай, дея ният қилган. Бундай азалий интилишлар, эзгу ниятлар бугун юртимизда болалар келажагини, мамлакат истиқболини ўйлаб амалга оширилаётган кўп қирралі давлат сиёсати замирида ўз ифодасини топаётир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

☑ «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЙЎҚ, ДЕБ ТОПИЛДИ»

Газетанинг шу йил 21 июль сонида «Икки йўл ўртасида қолдим» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Яқинда Хоразм вилояти прокуратурасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Янгиариқ туманида яшовчи фуқаро Ш.Розиқованинг ўзига нисбатан туман прокуратурасида тергови юритилган жиноят иши узоқ муддат давомида қонуний ечимини топмаётгани ҳақидаги мақолада кўрсатилган ҳолатлар мазкур иш материалларини ўрганиш йўли билан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Ш.Розиқовага нисбатан бўлган жиноят иши 2006 йил 25 сентябрь куни алоҳида иш юритувига ажратилган.

Янгиариқ туман прокуратураси терговчиси О.Сариев томонидан Ш.Розиқовага «Қурувчи» жамоа корхонасининг мулкларини кўчмас мулк биржасида арзон баҳода сотиб олиш йўли билан ўзлаштирганликда айблов эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан 2007 йил 4 январь куни судга юборилган.

Лекин жиноят иши судда кўришга тайинланмасдан туриб, Янгиариқ туман прокурори Б.Сардаров томонидан 2007 йил 8 январь куни туман прокуратурасига қайтариб олинган.

Мазкур жиноят ишининг тергови 2007 йил июнь ойига қадар асоссиз тўхталиб, сансалорликка йўл қўйилгани ҳолати Хоразм вилоят прокуратурасининг 2007 йил 26 июндаги ҳайъат мажлисида муҳокама қилиниб, вилоят прокурорининг буйруғига кўра туман прокуратураси терговчиси О.Сариев эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ушбу жиноят ишининг тергови устидан тегишли прокурорлик назоратини ўрнатмагани учун туман прокурори Б.Сардаров интизомий жазога тортилди.

Жиноят ишининг қўшимча тергови Янгибозор туман прокуратурасида олиб борилиб, Ш.Розиқованинг қилмишида жиноят таркиби йўқ, деб топилиб, 2007 йил 8 август куни тугатилди.

И.ДАВЛЕТОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг
биринчи ўринбосари».

Банк ва мижоз

МИКРОСАРМОЯДАН ҲАММА БАҲРАМАНД БЎЛАДИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ НАВОИЙ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАҚСАДИ АНА ШУНДАЙ

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ўз навбатида тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш ўсишини таъминлабгина қолмай, янги иш ўринларини яратиб, олис қишлоқ жойлардаги аҳолининг иш билан банд бўлишига хизмат қилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва мазкур Фармонни бажариш юзасидан ҳамда банк фаолиятини ташкил этишни таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Юқорида қайд этилган Фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилоят филиалида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Микросармоялар чинакам ишбилармон ва моҳир тадбиркорлар қўлига етиб бориб, яхши самаралар бериши учун кўпгина жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳамда мазкур фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларни, айниқса тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Оқсоқоллар кенгаши ва Маҳалла жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш бўйича семинарлар ўтказилди. «Ижтимоий ҳимоя йили»да вилоят Ногиронлар жамияти ва вилоят кўзи ожизлар жамияти билан битим тузилди ҳамда жойларда семинарлар ташкил этилди. Бунинг натижаси ўлароқ 2 нафар кўзи ожиз тадбиркорга 1 млн. 240 минг сўм миқдорида микрокредит маблағлари ажратилди.



«Микрокредитбанк» АТБ вилоят филиалининг 3 та бўлими, 14 минибанки фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятнинг олис туманлари бўлмиш Учқудуқ, Томди, Қонимех ва Нурота туманларидаги банк агентликлари минибанкка айлантирилди. Қувончлиси, вилоятда ўтган бир йил давомида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш, микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун микрокредитлар бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилди.

Бошқармада амалга оширилаётган ишлар ҳақида банк ходимлари ва банк мижозлари ҳикоясига қулоқ тутайлик:

Анвар РАШИДОВ, «Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса вилоятимизнинг энг чекка қишлоқ жойларида ҳам аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш бизнинг асосий мақсадимиз. Айниқса, айланма маблағларни тўлдириш мақсадида кредит олишга талаб катта. Бундай кредитни ишлаб турган корхона, фирма ва кичик бизнес субъектлари кўпроқ олмоқдалар. Иккинчи ўринда эса дастлабки ёки бирламчи сармояни вужудга келтириш учун олинган сармоя туради. Масалан, хусусий тадбиркорлар учун дастлабки капитални шакллантириш мақсадида 50 минимал ойлик иш ҳақи миқдоридаги кредит тури мавжуд. Микрофирмалар, деҳқон хўжаликлари эса дастлабки сармояни шакллантириш учун энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида қарз олишлари мумкин. Фермер хўжаликларига эса дастлабки сармояни шакллантириш мақсадида йирикроқ миқдорда қарз берилади. Негаки, фермер хўжаликларида катта маблағ айланади. Фаолият доираси кенгроқ. Шу боис уларга энг кам иш ҳақининг 200 бараварига яқин маблағ берилади. Кредитлашнинг мана шу уч йўналиши бўйича фоиз ставкаси 18 ой ичида йиллик 5 фоиз қилиб белгиланган. Энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдоридаги кредит ҳам бор. Бу юридик шахсларга, кичик бизнес субъектларига берилади.

Фахриддин ОРТИҚОВ, банкнинг кредит бўлими бошлиғи:

— Энг муҳими, бизга мурожаат қилаётган тадбиркор албатта икки марталик мажбурий ўқув курсини ўтайди. Бу дарс бир ҳафта ичида семинар усулида ўтказилади. Шундан сўнггина тадбиркор кредит олиш учун охирги қарорини қабул қилади ва банк номига ариза ёзади. Бизнес режасини ва бошқа зарур ҳужжатларни банкка тақдим этади ҳамда кредитни расмийлаштиришга киришади. Хўш, кредитни таъминлаш учун асос сифатида нима қўйилиши мумкин? Транспорт воситаси, асбоб-ускуналар ёки валюта ва ҳоказо. Аёллар учун эса гаров сифатида заргарлик буюмлари қўйилишини жорий этдик.

Жавлон МАРДИЕВ, банкнинг кредит бўлими бошлиғи ўринбосари:

— Тадбиркор бизнес-режа туздими, демак шунга яраша маблағ олиши керак. Агар бирон асбоб-ускуна ёки дастгоҳ сотиб олиш учун 200 ёки 300 минг сўм зарур бўлиб қолса, уни банкдан албатта олиши лозим. Айни пайтда «Микрокредитбанк» бўлимлари вилоятнинг барча туманларида ишлаб турибди. Марказдан анча олисдаги Томди, Учқудуқ, Зарафшонда ҳам банк бўлимлари бор. Қизилтепа, Навоий ва Карманада филиаллар мавжуд. Ҳозир бизда 14 та минибанк фаолият юритяпти. Секин-аста улар ҳам филиалларга айланиб боради.

«Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилоят филиали 2007 йил 1 январь ҳолатига 4621 та мижозга намунали хизмат кўрсатиб келган бўлса, 2007 йил 1 июлга келиб мижозлар сони 841 тага ошди, яъни 5462 нафарни ташкил этади.

Неъмат ҚИЛИЧЕВ, банк бош мутахассиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги Қарори асосида жорий йилнинг олти ойи давомида кам таъминланган оилаларга чорва моллари сотиб олиш учун жами 47 млн. 900 минг сўм микрокредит ажратилди. Ярим йиллик режа 130 фоизга уддаланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 640-сонли Қарори асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 265 млн. 511 минг сўм микрокредит маблағлари ажратилган бўлиб, бу режага нисбатан 554 фоизга кўпдир. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 199 млн. 033 минг сўм микрокредит маблағлари ажратилиб, режа 103 фоизга уддаланди.

Аҳтам ПАРДАЕВ, Навоий шаҳридан, хусусий тадбиркор:

— Мен кўпдан буён халқимизга сифатли, бежирим замонавий мебеллар етказиб беришни орзу қилиб юрардим. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилоят бошқармаси ташкил этилгандан сўнг бу орзуим ушалишига ишонч ҳосил қилдим. Негаки, бу ерда микросармоялар ортиқча оворагарчиликларсиз, қисқа муддатда расмийлаштирилиб берилар экан. Бунга шахсан ўзим амин бўлдим. Мен мебелчилик учун зарур бўлган ускуналар, дастгоҳлар сотиб олиш мақсадида банкдан олти миллион икки юз минг сўм кредит сўрадим. Банкдагилар қисқа муддатда талабимни қондиришди.

Ҳозир корхонамизда юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаряпмиз.

Фотима Неъматова, Нурота туманидаги «Тўмарис» фермер хўжалиги раҳбари:

— Мамлакатимизда паст рентабелли хўжаликлар базасида фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги қувончли. Менинг ҳам ёшим бир жойга бориб қолганлигига қарамай, туманимизда, қишлоғимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриб, мен ҳам уйда ўтиролмадим. Фермер хўжалиги ташкил этишга киришдим. Албатта, бунинг учун маблағ зарур эди. Шу орада «Микрокредитбанк» АТБнинг Навоий вилоят бошқармасининг минибанки Нурота туманида ҳам очилганлигини эшитиб, дарров ана шу банк муассасасига мурожаат этдим. Улар менга қўйчиликни ривожлантириш учун 5 млн. 400 минг сўм имтиёзли микрокредит ажратиб беришди. Натижада 6 та янги ишчи ўрни яратдик. Меҳнатимиз самарасини кўраяпмиз. Ўтган йилнинг ўзида 3 млн. 200 минг сўм соф фойда олдик. 2007 йилда олинган кредит эвазига сотиб олганимиз — 100 бош қўй-қўзи ҳозир 184 бошдан ошди.

Учқун ОБЛОҚУЛОВ, Конимех туманидаги «Учқун Норқул ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи:

— Ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Агро Минитехэкспо-2006» халқаро кўргазмасида қатнашиб, БТ-150 русумли трактор сотиб олиш учун шартнома имзолаб қайтгандим. Маблағ олиш мақсадида банкка мурожаат қилдим. Банк эса бизни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида йиллик 7 фоиз устама тўлаш шарти билан 20 млн. сўмлик микролизинг хизмати кўрсатди. Бунинг эвазига биз 4 та янги ишчи ўрни яратдик.

...Хизмат турларини янада кенгайтириш мақсадида «Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилоят филиалларида халқаро пул ўтказмалари (WESTERN UNION) ишга туширилди ва вилоят аҳлига намунали хизмат қилиб келмоқда.

Айни кунларда бошқарма жамоаси янги иш режаларини белгилаб олиб, тадбиркорлик, оилавий бизнес субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатишга янада кўпроқ эътибор қаратмоқда. Уларнинг нияти ҳар бир оила, ҳар бир тадбиркор микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишига эришиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганига ҳам салкам бир ярим йилча вақт бўлди. Ушбу Қарор ижроси натижасида бугун Сурхондарё вилоятидаги кам таъминланган, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларнинг рўзғорига қут-барака инди.

Мазкур қарорда қайд этилганидек, ана шундай оилаларга давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар маблағи эвазига қорамоллар ҳадя қилинди. Шунингдек, уларнинг қорамол сотиб олишлари учун эса банклар томонидан микрокредитлар ажратилмоқда.

— Тўрт нафар фарзандимиз бор, — дейди термизлик Рўзи Жумаев. — Вақтида ўғил уйлантираман, қиз узатамиз, деб молҳолни сотиб юборган эдик. Шундан сўнг сут-қатиқдан қийналиб қолдик. Президентимизга раҳмат, у кишининг қарорларига кўра яқинда вилоят «Пахтабанк»дан 950 минг сўм имтиёзли кредит олиб, бир бош соғин сигир, учта қўй сотиб олдик. Оиламизда бугун сут-қатиқдан муаммо йўқ.

— Бошқармамизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Қиличбек Каримов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари билан келишув тузган. Унга мувофиқ 2007 йилда тижорат банклари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қорамол олиш учун «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 600 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилган эди.

Дастлабки беш ой мобайнида 447 та кам таъминланган оилага 556 миллион 861 минг сўм маблағ берилди. Бунинг натижасида 656 та янги ишчи ўрни яратилди. Бундан ташқари, ҳомийлар маблағи ҳисобидан 814 та ана шундай оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди.

Бугун вилоятда, шунингдек, касаначилик, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу ишлар рўёбида банкларнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, «Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилоят бошқармасининг кичик бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорларга кредит ажратиш борасидаги фаолиятининг бир жиҳати эътиборимизни тортди. Бошқарманинг амалиёт ва туман бўлимлари аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишяпти. Бу эса табиийки, ўнлаб хотин-қизларга ўз ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун кенг йўл очиб беради.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилиб, «Микрокредитбанк»нинг туманимиз бўлимига мурожаат қилдим, — дейди Қумқўрғон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Гулнора Ғаффорова. — Банк ходимларига раҳмат, уч-тўрт кун ичида 600 минг сўм кредит олишга эришдим. Дастлаб тикув машинаси ва турли хил матолар сотиб олдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай «Олтин чигит» қўшма корхонасидан 300 минг сўмлик буюртма тушди. Кейин коллежлар билан кўрпа-тўшак, ёстиқ жилди тикиб бериш бўйича шартнома туздик. Қисқа муддат ичида айланма маблағимиз 1 млн. сўмдан ошди. Энди ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадидаман.

— Гул етиштиришга жуда қизиқаман, — дейди Термиз туманида яшовчи фуқаро Хосият Ортиқова. — Ҳозир юздан ортиқ гул турининг 2000 тупини махсус гул тувакларда парвариш қиляпман. Уларни кўпайтириш ва сақлаш учун иссиқхона керак. Шу мақсадда «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлимидан 540 минг сўм кредит олдим. Энди ишларим юришиб кетишига ишонаман.

— Бошқармамиз амалиёт бўлими, туман филиаллари томонидан 2007 йилнинг биринчи чорагида 75 та тадбиркорлик субъектига айланма маблағни тўлдириш учун 493 миллион сўм ва 146 та тадбиркорлик субъектига эса бошланғич сармояни шакллантириш учун 163,8 миллион сўм микрокредит ажратилди, — дейди «Микрокредитбанк» АТБ вилоят бошқармаси бошлиғи Мўмин Маҳмудов. — Шунинг 110,3 миллион сўми аёл тадбиркорларга берилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан 631 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳа, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури оилаларни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса оилаларнинг турмуш даражаси фаровонлашиб бораётганлигидан дарак беради.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Bazar-Art 2007» кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналари билан танишиш мумкин.

Унинг очилишида маданият ва санъат арбоблари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандликнинг қадимий анъаналарини тиклаш, асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишга жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан нафақат юртимиз, балки Япония, Хитой, Россия, Франция каби мамлакатларда ташкил этилган миллий ҳунармандлик санъатига оид кўргазмалар, маданий анжуманлар, ижодий мулоқотлар, фестиваллар бунинг ёрқин далилидир.

УСТАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Bazar-Art 2007» кўргазма-ярмаркасида юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган эллик нафардан зиёд уста ва ҳунарманд, уларнинг шогирдлари ижоди намуналаридан баҳраманд бўлиш мумкин. Тошкентлик таниқли кулоллар сулоласи вакили Акбар ва Алишер Раҳимов, чиннига гул солиш бўйича моҳир мусаввир Шаҳноза Мўминова, ғиждувонлик кулол Алишер Назруллаев каби қўлигул ижодкорлар шулар жумласидандир.

Мазкур кўргазма-ярмарка «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Миллий санъат марказининг илк ижодий лойиҳаси бўлиб, амалий санъатимиздаги мавжуд миллий йўналишлар, услублар, мактабларни асраб-авайлаш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Тўрт кун давом этадиган кўргазма-ярмаркада ижодий беллашув голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Бош мукофот соҳиби эса Францияда бўлиб ўтадиган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасида иштирок этиш имкониятини қўлга киритади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Вниманию организаций и предприятий!

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

на материалов и оборудования для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1. Огнеупорный кирпич марки SLIIIV в количестве 1200 тонн	**Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»**
ЛОТ 2. Оборудование для производства полипропиленовых мешков (производительность 100 тыс. шт в сутки) в количестве 1 комплект.	

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Поставляемые материалы должны соответствовать мировым аналогам.

Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга – Акционерная компания «Узкурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.

Источник финансирование за счет собственных средств предприятий заказчиков.

ПЛАТЕЖНЫЕ РЕКВИЗИТЫ:

АК «Узкурилишматериаллари»
Адрес: г. Ташкент, Миракилова 68а
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886. TELEX : 116342TRONUZ
Валютных счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: ***г. Ташкент, ул. Миракилова 68а. АК «Узкурилишматериаллари» тел: 54-48-39, 152-60-28, факс: 55-77-07, 152-60-28***

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

САРМОЯДОРЛАРИНИ АЛДАГАН КОМПАНИЯ



Америка компаниялари «Motorola»ни нотўғри молиявий тахминларни берганлиқда айблаб маҳкамага беришди. Гап шундаки, унинг қимматли қоғозлари ярим йилнинг ўзида икки марта: 2006 йил октябрида 7 фоизга, 2007 йил январида эса 8 фоизга тушиб кетган. Сармоядорлар номидан иш кўраётган «Schats Nobel Izard» юридик идораси «Motorola» раҳбарияти томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги федерал қонунлар бузилганлигини билдирди. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, ўтган йилнинг ёзида «Motorola» атайин ёлғон молиявий тахминни тақдим этганлиги боис унинг акциялари 24 доллардан 19 долларга тушиб кетган. Ҳолбуки, ўшанда «Motorola» раҳбарияти сармоядорларни компания уяли телефонларининг сотуви ҳажми кескин ошади, деб ишонтирган эди.

Шуни айтиш керакки, компаниянинг молиявий кўрсаткичлари тобора ёмонлашмоқда. Чунончи, жорий йилнинг иккинчи чорагида компаниянинг соф фойдаси 28 миллион долларни ташкил этди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу даврида у 1,38 миллиард доллар соф фойда кўрганди.

ОСМОНЎПАР БИНОДАГИ ЁНҒИН

Шанхайнинг Пудонг савдо-саноат манзилида қурилиши тугалланмаган осмонўпар Халқаро молиявий марказнинг юқори қаватларидан бирида ёнғин рўй берган. Маълумотларга қараганда, бинонинг 40-қаватида кучли ёнғин содир бўлиб, ўт ўчириш машиналари етиб келган. Жабрланганлар тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ. Бинодаги қурилиш ишлари якунловчи босқичда бўлган. Ёнғин қурилиш лифтидаги носозлик туфайли келиб чиққан бўлиши мумкин деган тахмин бор. Осмонўпар бино икки минорадан иборат бўлиб, жами сатҳи салкам 400 минг квадрат метрни ташкил этади. Халқаро молиявий марказдан ташқари бу ерда иккита меҳмонхона ва савдо маркази ҳам жойлашади. Бино 2010 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

АРКТИКАГА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

АҚШнинг савдо вазирлиги таркибига кирувчи Океанлар ва атмосфера бўйича миллий маъмурияти Арктикага бўлажак илмий экспедициянинг мақсадларини эълон қилди. Экспедиция соҳилни қўриқлаш хизматининг музёрар кемасида амалга оширилади, у эса 6 августдаёқ Сиэтлдаги портдан манзилга чиққан. Кемада АҚШ давлат департаментининг вакили борлиги Қўшма Штатларнинг шельфга юридик жиҳатдан ўз эгалигини мустаҳкамлашга интилаётганлигидан далолат бермоқда. АҚШ соҳилни қўриқлаш хизмати расмий вакили Рас Типпетнинг айтишича, музёрар кемаси мамлакат ҳудудининг энг шимолий Бэрроу нуқтасига (Аляска штати) 17 августда етиб келгач, 20 га яқин олимлар гуруҳини олиб шимол сари йўл олади.

Биз билган ва билмаган тарих

ТАРИҚАТНИНГ ЕТУК ПЕШВОСИ

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ВАФОТИ ВА ҚАБРИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Албатта, тарих илми теран бир кон. Унинг зулматли қаърига кириб излаган нарсангни топиш ғоят мушкул иш. Бунга иродаю иштиёқ билан бирга тафаккурнинг кучли ёғдуси ҳам даркор. Айниқса, тасаввуф оламида Яссавия, Кубравия, Нақшбандия номи билан оламшумул шуҳрат топган тариқат мактабларининг тамал тошини қўйган буюк пирнинг суюкли шогирди Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг «Мақомати Юсуф Ҳамадоний» рисоласини варақлаган сари ушбу тарихга қайтгинг келаверади.

Сабабки, биринчидан рисолада улуғ шайхнинг сурати ила сийрати ажиб бир меҳр ва ихлос билан тавсифланган бўлса, иккинчидан ҳаётининг сўнгги кунларига оид қимматли маълумотлар берилганидир.

Таърифланишича, шайх ҳазратлари ***«...пиёда ўттиз икки марта ҳаж қилган, ҳафс қироати билан минг марта Қуръонни хатм этган эдилар. Тафсир, ҳадис, фиқҳ, усул, фуруъ ва каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз ўн уч нафар машойих билан суҳбат тутганлар...»***

Руҳоний қудрати шу даражада юксак бўлган бу зот умрининг сўнгги йилларини Самарқанд шаҳрида, ғоят камтарона тарзда кечирганлар. Мўминлардан бирортаси ул зотни уйига таклиф қилса, ким бўлишидан қатъи назар борганлар, ҳеч кимни ҳеч нарсада камситмаганлар. Ўзлари ҳам мақтанмаганлар, ҳалол еб, ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутганлар.

Рисолада шайх ҳазратларининг комил инсонга, ислом дининг етук уламосига, шариат қоидаларининг изчил ҳимоячисига, тариқат йўлининг асосчисига хос, ибрат олса арзийдиган хислатлари бирма-бир баён этилади. Аммо мақсадимиз у кишининг қайси манзилда вафот этганликлари ва дафн этилганликлари тўғрисидаги фикрларни мушоҳада этиш бўлганлиги туфайли ушбу жиҳатларга батафсил тўхталиб ўтирмаймиз.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз рисолаларида Самарқанд шаҳрига устози билан бирга Ҳамадон шаҳридан келганини ҳамда яна ўн нафар ҳамроҳининг исми шарифини зикр этади. Сал кейинроқ эса тўлиқроқ изоҳ беради: *«Муҳтарам отам исмимни Хожа Хизр алайҳиссалом танлаганини айтарди. Йигирма икки ёшга тўлганимда Хожа Хизр алайҳиссалом мени шайх Юсуф Ҳамадонийга олиб борди. Шайх Хизр алайҳиссаломнинг олдида менга қалб зикрини талқин этдилар. Кейин Хизр алайҳиссалом ҳазрати шайхга: «Сиз Самарқанд шаҳрига боришингиз керак», — деди. Шундан кейин шайх Юсуф Ҳамадоний исмлари юқорида айтиб ўтилган азизлар билан бирга Самарқандга келдилар. Ғафтар туманининг Хушвуруд маҳалласида яшай бошладилар. Уч ой ўтиб Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар шайхнинг суҳбатига келиб қўшилдилар. Тўққиз ойдан кейин Хожа Абдуллоҳ Баррақий келиб мурид бўлди. Бу азизларнинг даврида Самарқанд, ҳатто Амударё бўйидаги вилоятлардан тортиб, Қора Хожагача, Хоразм вилоятидан то Бадахшонгача бўлган минтақада бидъатчи ва нафсу ҳавосига тобеъ бўлган бирон эътиқоди бузуқ қолмади».*

Тарихий далилларга кўра, Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз мақомларига кўра, Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди ёки халифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда юқорида келтирилган ҳикоятнинг айрим жойлари мулоҳазаталаб туюлади. Яъни, Абдулхолиқ Ғиждувоний Самарқандга Ҳамадондан ўз устози билан бирга келган бўлса, Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар уч ойдан, Хожа Абдуллоҳ Баррақий эса тўққиз ойдан сўнг даврага келиб қўшилган бўлса, қандай қилиб охирги ўринга тушиб қолди, деган савол туғилиши табиий. Балки рисола муаллифи камтарлик юзасидан ўзини муридларнинг охирига қўйдимикин, деган фикрга ҳам бориш мумкин.

Албатта, Юсуф Ҳамадоний мактабига муридларни танлаш, тарбиялаш, камолга етказишнинг ўзига хос усулларидан, талабларидан биз бехабармиз. Фақат бир нарсани назарда тутиш лозимки, шайхлар устози 1141 йилда вафот қилган бўлса, Абдулхолиқ Ғиждувоний у кишининг ёнида 16 йил таълим-тарбия олган бўлиб чиқади. Баррақий, Андоқий, Яссавийларнинг шогирдлик муддати эса салгина камроқ.

Мана шу давр ичида устоз ўз шогирдларининг салоҳияти, қобилияти ва бошқа хислатларини қиёслаб кўриб, уларнинг мақомини белгилаган бўлиши ҳам мумкин. Бу хусусда Абдулхолиқ Ғиждувоний шундай ёзади: *«Пешин номозини адо этгач, дедилар (Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари): Эй дарвешлар, азиз инсонлар кўп, лекин бу силсиладаги улуғларнинг Ҳақ таоло томонидан танланишига сабаб, ушбу силсилада улар мукошафа ва мушоҳадада юксак шахсиятлар эдилар...» Кейин муборак юзларини яна менга қаратиб, дедилар: «Эй, Абдулхолиқ, Хожа Абу Али (Формадий)нинг тўртинчи халифаси бўлганим каби, сен ҳам бизнинг тўртинчи халифамиз бўлғайсан».*

Бу хусусда кенгроқ тўхталаётганимизнинг сабаби, Юсуф Ҳамадонийнинг бевосита вафоти чоғидаги ҳодисалар билан ҳам боғлиқдир... «Мақомат»да ёзилишича, *«Ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадоний муҳаррам ойининг йигирма саккизинчи куни пайшанбада вафот этганлар. Тафсилоти шундай: Пешин номозини адо этгач, меҳробга суяниб, муридларига: «Сув иситинг!» дедилар. Муридлар йиғладилар. Шайх ҳазратлари Абдуллоҳ Баррақий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва бу фақир Абдулхолиққа ҳамда ўша ерда ўтирган дўстларига қараб шундай дедилар: «Биз ўрнимизга вакил сифатида Хожа Абдуллоҳ Баррақийни ихтиёр этдик. Унга эргашингиз, мухолифат этмангиз. Иршод навбати сизга келгач, гўзал ва саодатли ҳаёт кечирингилар, муридларга қалб зикр қилишларини, баланд овоз билан зикр этмасликни тушунтиринг. Султон Санжар ибн Маликшоҳ учун ёзилган одоб ҳақидаги хусусларни муридларингизга ҳам англатинг!»*

Кейин муборак юзларини Хожа Аҳмад Яссавийга ўгириб: «Фотир, Ёсин ва Нозиат сураларини тиловат қилинг!» — дедилар. Хатм тугагач, дўстлардан бир фарёд кўтарилди. Шунда шайх ҳазратлари «Ҳақ таолонинг шундай бандалари борки, уларнинг жон беришини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди» деб қуйидаги байтни ўқидилар:

Ошиқон чунон жон бидиҳанд,
К-он жо малак ул-мавт нагунжад ҳаргиз.

(Маъноси: Сенинг диёрингда ошиқлар шундай жон берурларки, у ерга ўлим фаришташи асло сиғмайди).

Кейин улуғ шайхнинг юзларида бир ўзгариш рўй берди. Хожа Абдуллоҳ Баррақий муридларига боқиб: «Сизлар чиқингиз!» деди. Шайх: «Мени шу уйга дафн этингиз, жанозамни Масжиди жомеда қилинг, Қизимни Саййид Шарофуддиннинг ўғлига никоҳланг», — дедилар. Шайх ҳазратларининг рафиқаси у зотдан қирқ кун аввал вафот этган эдилар. Уни Чокардизага дафн қилишганди. Кейин дедилар: «Мени Хожа Абдуллоҳ Баррақий ғусл қилдирсин, қабрга Ҳасан Андоқий қўйсин»... Васияти тугагач, шайхимизнинг жон қуши охират оламига қанот қоқти. Пешқадам улуғлар ўша ерда эдилар, шайхнинг васиятини адо этдилар, жаноза номозини ўқидилар, қабрга дафн этгач, «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта у зотга қайтгувчилармиз» дедилар... (Бақара сураси 156-оят) У уйни очиб, суффа иморат қурдик.»

✧✧✧

Шундай қилиб, салкам йигирма йил буюк устозининг этагини тутган, шариат, тариқат, маърифат илмини ўрганган, комил ва садоқатли мурид сифатида пирининг хизматида ҳозиру нозир бўлган суюкли шогирдининг шоҳлигига кўра, Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Самарқанд шаҳрининг Хушвуруд маҳалласидаги ўзи яшаган хонадонда вафот этган ва шу манзилга дафн қилинган экан.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари бевосита ўзлари гувоҳ бўлган бу воқеа ҳақидаги ихлос билан қоғозга туширган батафсил ҳикояси бу борада биронта шубҳа ёки иккиланишга йўл қўймайдиган ишончли далил эмасми?

Фақатгина «Мақомати Юсуф Ҳамадоний» рисоласининг асл нусхаси бизгача етиб келдимикин, деган иштибоҳ уйғонади. Чунки орадан тўққиз юз йил вақт ўтган. Балки шу давр мобайнида рисолани қайта кўчирган ҳаттотлар, эл ичидаги турли ривоятлардан илҳом олган ихлосмандлар бу тарихий асарга ўзгартиришлар киритгандир. Чунки азал-азалдан буюк зотларнинг, айниқса авлиёларнинг ҳаёти, тақдири, қисмати, каромат ва башоратлари ҳақида шунақа ҳикоятлар тўқилганки, рост қайда, ёлғон қайда ажратиш маҳол.

Бироқ Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари бирор-бир салтанатнинг эгаси бўлмаган, яъни кейинги асрларда дўсту душманлар, шуҳратга ўч тарихчилар томонидан у кишининг ҳаёти ва фаолиятини қайта бузиб тузатишга сабаб йўқ. Қолаверса, неча асрлар давомида хожагон тариқати ривожланиб, ислом оламида шуҳрат топиб келган экан, унинг пирларидан бири Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг қўлёзмаларини ўзгартиришга ҳеч ким ҳам журъат эта олмаган.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори М.Абрамовнинг 1995 йилда нашр қилинган «Самарқанд қабристонлари» рисоласида қайд қилинишича, Чокардиза қабристони X асрда Хўжа Мансури Мотуридий масжиди ёнида ташкил қилинган. Қабристонга йирик алломалар — Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Низомиддин Мотуридий, «Китоби ал-қанд, фи тарихи Самарқанд» асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмиддин Насафий ал Самарқандий (XII) каби улуғ зотлар дафн қилинган.

Бироқ шаҳарнинг Боғишамол ҳудудида «Хўжа Юсуф Ҳамадоний» қабристони ҳам борки, XVII асрда ташкил топган бу қабристонга шайх ҳазратларининг номи берилиши изоҳталабдир. Ёзилишича, қабристон заминига XII асрда яшаган Юсуф Ҳамадонийнинг муборак қадами теккан экан. Мана шу фикрларнинг ҳаммаси тадқиқотчи олимлардан яна бир бор синчковлик билан иш тутиб, Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг ҳақиқий қабри ҳозирги пайтда қаерда эканини аниқлашни тақозо этади.

Бу билан биз нафақат табаррук заминимизда мангу ором топган буюк инсоннинг, айни пайтда ул зотнинг шогирдлари — хожагон, яссавия ва кубравия тариқатларининг пирлари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари шуҳрати жаҳонни тутган аждодларимизнинг руҳини яна бир карра шод этган, юртимизнинг ислом оламидаги нуфузини ҳам юксалтирган бўламиз.

Бахтиёр РИЗО.

(Охири. Боши ўтган сонда)



ЎЗБЕК НОШИРЛАРИНИНГ МОСКВАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Москвада ўтган «Китобат санъати» IV Халқаро танловида мамлакатимизда чоп этилган китоблар совринли ўринларни эгаллади.

2004 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу нуфузли халқаро танловда ўзбекистонлик ноширлар фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи нашрга тайёрлаган Алишер Навоийнинг беш жилдлик «Хамса» асари «Ҳамдўстлик» номинацияси бўйича, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» китоб-альбоми эса «Китоб санъати» номинацияси бўйича совринли ўринларга сазовор бўлган эди.

Бу галги танловда «Маънавият» нашриёти томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Қарши» фотоальбоми «Менинг Ватаним» номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Эртаклар карвони» китоби «Ҳамдўстликда чоп этилган» номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан нашр қилинган «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» фотоальбоми эса «Китоб санъати» номинацияси бўйича учинчи ўринни эгаллади.

— Халқаро «Китоб санъати» танловида эришган ютуқларимиз мамлакатимизда ноширлик ва матбаачилик ишлари жаҳон андазалари даражасига кўтарилаётганидан далолатдир,- дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўзимат Сафоев. — Бу йилги танловда «Маънавият» ва Чўлпон нашриётларининг фотоальбомлари замонавий дизайни ва матбаачилик ижроси бўйича ушбу тадбирда иштирок этган барча нашрларни ортда қолдирди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида нашриётларимиз томонидан чоп этилган ушбу китобларнинг юксак совринларга сазовор бўлиши ношир ва матбаачиларимиз фаолиятининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ ДАСТУРИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёш оилаларни имтиёзли шартларда ипотека ва истеъмол кредитлари билан таъминламоқда.

Миллий банкнинг мамлакат барча ҳудудларидаги бўлимларида ишонч телефонлари ишлаб турибди:

Тошкент ш. —	(371)144-35-69; 144-95-56
Вилоят бўлимлари:	
Қорақалпоғистон Республикаси:	(361) 780-00-06
Андижон вилояти:	(374) 224-69-37
Бухоро вилояти:	(365) 223-69-57
Жиззах вилояти:	(372) 222-38-26
Қашқадарё вилояти:	(375) 221-15-22; 221-01-08
Навоий вилояти:	(436) 227-85-15
Наманган вилояти:	(369) 226-23-85
Самарқанд вилояти:	(366) 233-38-79
Сурхандарё вилояти:	(37622) 2-84-21
Сирдарё вилояти:	(3672) 25-06-22
Тошкент вилояти:	(371) 152-77-19
Фарғона вилояти:	(373) 224-85-24
Хоразм вилояти:	(362) 226-26-44; 224-22-43

МИЛЛИЙ БАНК БИЛАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ!

Спорт

ҲУРШИДНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Шу кунларда Таиландда Бутунжаҳон талабалар Универсиада ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз талаба-спортчилари ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Жумладан, дзюдочиларимиз кўрсатаётган натижа қувонарли бўлмоқда. 90 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Хуршид Набиев финалда франциялик рақибини енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Унинг бу ғалабаси мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига ажойиб совға бўлди.

ОУЭН ЯНА МАЙДОНГА ТУШАДИ

Англиянинг «Ньюкасл» футбол клуби моҳир тўпурари Майкл Оуэн Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида оёғидан олган жароҳати тузалиб, яна майдонга тушадиган бўлди. У шанба куни олий лига жамоаси «Астон Вилла» футболчилари билан учрашувда иштирок этади. Демак, Майкл келаси йили ўтказиладиган Европа чемпионати саралаш ўйинларида, хусусан 12 сентябрь куни Англия — Россия учрашувида Уэйн Руни ўрнига тушиши мумкин. Англия терма жамоаси 8 ва 12 сентябрь кунлари Исроил ва Россия футболчилари билан саралаш ўйинларини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда. 22 августда эса Англия терма жамоаси Германия футболчиларига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказади ва унда Оуэннинг иштирок этиши кутиляпти.

ҒАЛАБАДАН КЕЙИН КЕТМОҚЧИ



Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Марко Антонио Баррера профессионал рингдаги сўнгги жангда ғалабага эришгач, катта спорт билан хайрлашмоқчи эканини маълум қилди. У шу йилнинг 6 октябрь куни филлипинлик Мэнни Пакьяони мағлубиятга учратмоқчи.

— Жангга розилик билдирган Пакьяодан миннатдорман, — дейди Марко. — Мен оддий мексикалик боксчиман. Биринчи жангдан кейин иккинчи учрашувни ҳам ютишим мумкинлигига ишонардим. Ҳозир эса вазият бошқача. Шунинг учун матч-реваншда ғалаба қозонгач, катта боксдан кетаман.

МУРАББИЙЛИККА 78 ДАЪВОГАР

Камерун футбол федерацияси терма жамоага бош мураббийликка номзодлар рўйхатини эълон қилди. Маълум бўлишича, 22 мамлакатдан 78 нафар мутахассис бундай лавозимга даъвогар экан. Улар орасида машҳур мутахассислардан шу кунларда Уганда терма жамоасига бошчилик қилаётган Ласло Шаба билан Суданнинг «Ал-Меррейх» клубини бошқараётган немис Отто Пфистер ҳам бор. Номзодларнинг 11 нафари Франциядан. Французлар орасидан Жан-Пьер Папен билан Филипп Труссьелар энг машҳур мураббийлардан саналади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши Чиноз туман ҳокими, партия фаоли Неъмат Исроилович Муҳаммедовга онаси

ҚУТПИНИСО аянинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi»materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749

8253 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 6

Sotuvda erkin narxda